

ШАМОЛЛАРДАН КУЧ ОЛГАН ОЛИМ

Ўзбекистон Республикаси Президент администрациясининг Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда 2022 йилнинг март-май ойларида Республиканинг алоҳида белгилаб олинган маҳаллаларида ижтимоий-маънавий муҳитни такомиллаштиришга қаратилган тарғибот тадбирлари белгиланди. Бу тадбирларда иштирок этувчи ишчи гуруҳига киритилганим ва чекимга Бешариқ тумани маҳаллалари тушгани ҳақидаги хабарни эшитишим билан Фаргона вилоятининг энг чекка – Тожикистон билан чегарадош бу туман табиати, менга кадрдон бўлган одамлари бир-бир ҳаёлимдан ута бошлади.

Бешариқ табиати ва одамлари ҳақида уйлар эканман, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг ижод жараёни, шоир услуби ҳақидаги бир суҳбатда айтган қуйидаги фикрлари беихтиёр ёдимга келди: «Шоирнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг юртига бор», деган гап мавжуд. Буни бир оз ўзгартириб, «Шоирнинг юртини билмоқчи бўлсанг, унинг ёзганларини ўқиб кўр, дейиш ҳам мумкин...»

Дарвоқе, табиат ва инсонни бир-биридан асло айро тасаввур этиб бўлмайди. Чунки инсон – табиат фарзанди. У ўзи дунёга келган она юрт табиати таъсирида ўсади, шаклланади ва вояга етади.

Бешариқ табиатининг алоҳида бўртиб турадиган томони шундаки, бу туман тоғлар оралигида жойлашгани учун шамол кўп келади. Йилнинг тўрт фаслида кутилмаганда кута-

риладиган шамолларга дош бериш учун эса дарахтлари, усимликлари ҳам, одамлари ҳам чайир, чидамли, бардошли бўлишга мажбур. Болалигидан мана шундай муҳитда катта бўлган киши қандай соҳа эгаси бўлса ҳам, унинг меҳнатида, яратган санъат асари, ёзган илмий иши ёки бадиий матнида ўз инъикосини кўрсатади. Бу фикрга шу туманнинг аввалги Жанжал, ҳозирги Зарқайнар кишлоғида тугилиб катта бўлган олим ва шоир Иқбол Назарийнинг ўз юрти ҳақида ёзган қуйидаги назмий сатрлари орқали ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин:

*Бешариқни дейдилар номи ўзи тасвирли,
Эли кўп меҳнатсевар, раҳбарлари тадбирли.
Шуҳрати нурли «Олтин юлдуз» ила тақдирли,
Сен шу юрт Панжобисан, ҳеч оқмагайсан кирли.
Бешариқ! Менга сенинг ҳатто шамолинг сирли,
Чунки у худди онам алласидай таъсирли.*

Мана шундай сەҳрли, айни пайтда курашчан табиат кўйида, «Бешариқ» туманидаги Рапкон кишлоғида вояга етган, эл-юрт назари тушган шоирлар Олтмиш Усаров, Қурбон Узоқовлар; таниқли олимлар Умарали Норматов, Аҳмадали Гафуров рўйхатининг олдинги сафларида, шубҳасиз, ушбу тўпламнинг бош қаҳрамони – филология фанлари доктори, профессор, чин инсон ва олим Ёрмат ака Тожиевнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Ҳар бир соҳанинг ўз етакчилари, шу йўлда узидан кейин келаётганларни олдинга бошловчилари бўлади. Бундайларни устоз, мураббий, раҳнамо деб атаймиз. Бирок ҳамма билан бирдай самимий муносабатда бўладиган, йиллар оша ўзи ўқитган талабасининг исми ёдидан кутарилган бўлса ҳам, қучоқ очиб кутиб оладиган, нуфузли илм даргоҳининг профессорига хос салобатдан кўра оддийликни касб қилган Ўзбекистон Миллий университетининг содда ва камтарин устоз-

лари ҳам бўладик, бу тоифадагиларнинг олдинги сафида ҳам Ёрмат ака Тожиевга ўхшаган УСТОЗлар туради.

Биз Ўзбекистон Миллий университетига малака ошириш курсларига борганимизда Ёрмат домланинг сабокларини, республика ва халқаро анжуманларда мазмунли маърузаларини тингладик, тилшуносликнинг энг долзарб мавзуларига оид мақола ва китобларини ўқиб, билим ва дунёқарашимизни бойитдик.

Тадқиқот йўналишимиз яқинлиги ҳам мени ва шогирдларимни Ёрмат Тожиев асарларига доимо талпинтириб туради. 1994, 2006, 2009 йиллари қайта-қайта нашр этилган «Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари», 2002 йили босилиб чиққан «Ўзбек нутқи маданияти, услубияти ва атамашунослик асослари», 2002, 2006 йиллари чоп этилган «Х ва Ҳ ҳарфли сўзлар лугати», «Тилшунослик тарихи» каби монография, услубий қўлланма ва рисоалари ҳозирда бизнинг қўлдан қўймас китобларимизга айланган.

Мақоламиз сарлавҳасидан маълум бўлганидек, Ёрмат ака Тожиев Бешариқнинг Рапқон қишлоғи шамолларидан куч олган ўз соҳасининг пешқадам олимларидан бири эди. Шундай экан, у ҳақдаги мухтасар мақоламизни Бешариқ шамоли ҳақидаги шеърнинг давоми билан якунлай қолайлик. Токи, она юрт шамоли устоз руҳини ҳамisha аллалаб, шод этиб турсин:

Бу шамол – бизга насим, боду сабо янглиғ сарин,
Шиддатга, бардошга чорлар доимо ёшу қарин.
Шаркка мойил ўстирар дуркун ўсимликнинг барин,
Бешариқда ўсгувчи ҳатто дарахт ҳам камтарин.
Бешариқ! Менга сенинг ҳатто шамолинг сирли,
Чунки у худди онам алласидек таъсирли...

*Сиддиқжон МУМИНОВ,
ФарДУ профессори, филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.*